



ANALYSIS OF MANUSCRIPT WORKS ON FIQH WRITTEN UNDER THE NAME "AL-MUHIT" IN MOVAROUNNAHR

Ilkhomjon Bekmirzaev

Doctor of historical sciences, Professor

International Islamic Academy of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

Hasanboy Ergashov

base doctoral student

International Islamic Academy of Uzbekistan

Uzbekistan, Tashkent

ABOUT ARTICLE

Key words: Mavoronnahr, fiqh, Hanafiya, fatwas, Abu-l-Lays as-Samarkandi, Burhonuddin Mahmud al-Bukhari, al-Muhit, works, research, publications, Samarkand, Bukhara.

Received: 23.12.24

Accepted: 25.12.24

Published: 27.12.24

Abstract: In this article, from the 10th century, several works on the science of fiqh were analyzed in Movoronnahr. In particular, there is talk of the accumulation of Hanafi sectarian fatwas and the work of concentrating them in works. Notable scholars such as Abu-l-Lays as-Samarqandi, Muhammad ibn Ibrahim al-Khasiriy and Burhonuddin Mahmud al-Bukhari examine the works on fiqh. The article discusses several studies and views on the work "al-Muhit", its author Burhonuddin Mahmud al-Bukhari, and its definition. Details of the various editions of "al-Muhit", their differences, and the period in which it was written are also given.

МОВАРОУННАҲРДА "АЛ-МУҲИТ" НОМИ ОСТИДА ЁЗИЛГАН ФИҚХГА ОИД ҚЎЛЁЗМА АСАРЛАР ТАҲЛИЛИ

Илхомжон Бекмирзаев

Професор, тарих фанлари доктори

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Тошкент, Ўзбекистон

Ҳасанбой Эргашов

таянч докторант

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Ўзбекистон, Тошкент

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Маворўннахр, фіқҳ, Ҳанафия, фатволар, Абу-л-Лайс ас-Самарқандий, Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорий, ал-Муҳит, асарлар, тадқиқот, нашрлар, Самарканд, Бухоро.

Аннотация: Мазкур мақолада, X асрдан бошлаб, Маворўннахрда фіқҳ илмига оид бир қанча асарлар таҳлил қилинган. Хусусан, Ҳанафия мазҳабига оид фатволарнинг тўпланиши ва уларни асарларга жамлаш ишлари ҳақида сўз боради. Абу-л-Лайс ас-Самарқандий, Муҳаммад ибн Ибраҳим ал-Хасирий ва Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорий каби машҳур олимларнинг фіқҳга оид асарлари кўриб чиқилади. Мақолада "ал-Муҳит" асари, унинг муаллифи Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорий ва унинг таърифи ҳақида бир нечта тадқиқотлар ва қарашлар муҳокама килинади. Шунингдек, "ал-Муҳит" асарининг турли нашрлари, уларнинг фарқлари ва қайси даврда ёзилганлиги ҳақида тафсилотлар келтирилган.

АНАЛИЗ РУКОПИСНЫХ ТРУДОВ ПО ФИКХУ, НАПИСАННЫХ ПОД НАЗВАНИЕМ “АЛЬ-МУХИТ” В МОВАРУННАХРЕ

Илҳомжон Бекмирзаев

*Профессор, доктор исторических наук
Международной исламской академии Узбекистана
Ташкент, Узбекистана*

Хасанбой Эргаишов

*Базовый докторант
Международная исламская академия Узбекистана
Узбекистан, Ташкент*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Мавераннахр, фіқҳ, ҳанафия, фетвы, Абу-л-Лайс ас-Самарканди, Бурхонуддин Маҳмуд аль-Бухари, аль-Муҳит, труды, исследования, публикации, Самарканд, Бухара.

Аннотация: В этой статье, начиная с 10-го века, в Мавороннахре были проанализированы несколько трудов по науке фикха. В частности, говорится о накоплении ханафитских фетв и работе по их объединению в трудах. Известные ученые, такие как Абу-ль-Лайс ас-Самарканди, Мухаммад ибн Ибрахим аль-Хасирий и Бурхонуддин Маҳмуд аль-Бухари, изучают труды по фикху. В статье рассматриваются несколько исследований и взглядов на произведение "аль-Муҳит", его автора Бурхонуддина Маҳмуда аль-Бухари и его определение. Также приводятся подробные сведения о различных изданиях "аль-Муҳит", их различиях и периоде, в который он был написан.

КИРИШ

Милодий X асрдан Мовароуннахрда фиқҳ илми соҳалари аниқ бир тартибга келтирила бошланди. Ушбу пайтга келиб мовароуннахрлик олимлар ҳанафийлик мазҳабидаги мавжуд фатволарни асарларга жамлай бошладилар. Ҳанафийликдаги фатволарни биринчилардан бўлиб тўплаган олим Абу-л-Лайс ас-Самарқандийдир. Унинг “ан-Навозил” ва “Уйун ал-масои’л” асарларида ўзидан олдин ўтган олимлар фатволари жамланган. Сўнгра кейинги давр фақиҳлари томонидан воқе‘от, навозил ва фатово номлари остидаги фатволар тўплами ёзилган. Жумладан, Мухаммад ибн Иброҳим ибн Ануш ал-Хасири ал-Бухорий (ваф. 500/1107 й.) ўзининг “ал-Хави фи-л-фатово”, Фахруддин Аҳмад ибн Мухаммад ибн Аби Бакр ал-Ханафий (ваф. 522/1128 й.) ўзининг “Мажма‘ ал-фатово” асарини ва ас-Садр аш-Шаҳид кабилар қатор асарларини фатово йўналишида яратдилар. Оли Моза оиласи вакили Бурҳонуддин Маҳмуд ал-Бухорий ҳам шу йўналишда кўплаб асарлар ёзиб қолдирди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мақоланинг бош мавзуси ҳисобланган Бурҳонуддин Маҳмуд ал-Бухорий(ваф. 556/1219 й) нинг “ал-Муҳит” асари бўйича ҳам табақотларда чалкаш фикрлар учраб туради.

Ал-Қураший фикрича, “ал-Муҳит” асари Разийуддин ас-Саҳаҳсийга тегишлидир[1]. Лекин “ал-Муҳит” асари “ал-Муҳит ас-саҳаҳсий”дан тўла мустақил бўлиб, ал-Лакнавийнинг қуидаги фикрлари буни исботлайди: “Дўстларимиз икки “ал-Муҳит”ни номлашда бир-биридан ажратиб, катта “ал-Муҳит”ни Бурҳоннинг “ал-Муҳит”и, кичик “ал-Муҳит”ни эса ас-Саҳаҳсийнинг “ал-Муҳит”и деб айтадилар”[2]. Дарҳақиқат, Мовароуннахрда ҳанафийлик мазҳаби бўйича ёзилган иккита “ал-Муҳит” номли асар машҳурдир.

Биринчиси, Бурҳону-л-Ислом Разийуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ас-Саҳаҳсий (ваф. 544/1149 й.) қаламига мансубдир. Разийуддин ас-Саҳаҳсий Бурҳонуддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг амакиси ас-Садр аш-Шаҳиддан фиқҳ илмини ўрганганд. Сўнгра Ҳалаб шаҳрига бориб, Нурийя ва Ҳалавийя мадрасаларида дарс берган. Бу лавозимдан бўшатилгач, умрининг охиригача Дамашқдаги Хотунийя мадрасасида мударрислик қилган ва шу ерда вафот этган[3].

“Ал-Муҳит ас-саҳаҳсий”нинг кўплаб нусхалари бизгача етиб келган. Асарнинг олимлар томонидан эътироф этилган муҳим жиҳати шуки, унда “Зоҳир ар-ривойа”, “Наводир” ва бошқа ҳанафий фақиҳлари фатволари тартиб асосида кетма-кет, ажратилган ҳолда берилган[4]. ЎзР ФА ШИда №10998, №5963 рақамлар остида сақланаётган иккита қўлёзма нусха асарнинг муайян жилдлиларигина бўлиб, уларда манбанинг тўлиқ матни берилмаган. №557 рақам остида сақланаётган нусхагина унинг тўлиқ матни ҳисобланади.

Мазкур қўлёзманинг бош бетида асарнинг уч хил нусхаси борлиги айтилган. Биринчиси, катта кўринишдаги 8, 10, 12, 20 жилдли, иккинчиси, ўрта кўринишдаги 4 жилдли, учинчиси, кичик кўринишдаги 2 жилдли китоблар хисобланган. Мазкур кўринишлар ҳақидаги фикрлар ўрта кўринишдаги китобнинг 1,2-жилдиларида берилган. Бу ўринда жилд асарнинг кенгайтириб ёки кичрайтириб ёзилган шаклини ифодалайди. Шунингдек, баъзи хаттот ва носихлар томонидан нусхаларнинг йирик хатларда кўчирилганлиги ҳам асар ҳажмининг кенгайиб кетишига сабаб бўлгани эҳтимолдан холи эмас. Бундан ташқари китоб ҳақида маълумот берувчи хаттотлар унинг ҳажмигагина баҳо берган бўлишлари мумкин.

Аё Софияда сақланаётган “ал-Муҳит ас-саҳахсий” нусхалари ҳижрий XII-XIII асрларда кўчирилган бўлиб, энг ками иккита, энг кўпи ўттиз иккита китобни ўз ичига олган асарнинг бўлак қисмларидир. Шунингдек, дунёнинг бошқа кутубхоналарида қўлланма “ал-Муҳит ар-ризавий”, “ал-Муҳит ас-суғро”, “ал-Муҳит ал-вусто”, “Важиз ал-муҳит ас-саҳахсий” номлари остида ҳам сақланаётган бўлиши мумкин.

“Ал-Муҳит ас-саҳахсий” асарида бўлимлар сони жами 80 та бўлиб, уларда аввал ибодат масалалари, сўнг тижорат, оила-никоҳ масалалари, қулларга тегишли масалалар, ҳийла, қасамлар, ҳалол ва ҳаромлар, бошқа мулкий шартномалар, давлатлараро масалалар, қозиларнинг одоби, қозилик маҳкамаси жараёнига тегишли масалалар, жиноят масалалари, васият ва мерос масалалари ёритилади.

Иккала “ал-Муҳит” асарлари бир-бирига солиширилганда, ўрганилган бўлимлар ўртасида катта тафовут борлигини кўриш мумкин. Масалан, уларнинг бирида алоҳида бўлим қилинган мавзу иккинчисида мавжуд эмас. Жумладан, “ал-Муҳит ал-Бурҳоний”да *ма‘данлар, ал-маҳозир ва-с-сижиллот, дамон, муо‘мала, инсон қилиши мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган нарсалар, деворлар, шурут, кенг тарқалган масалалар, алданиш (гурур), кафолатда истиҳсоний масалалар* каби мавзулар бўлим ҳолида келтирилади. “ал-Муҳит ас-саҳахсий”да эса, *жанозалар, ҳайз, касб, разо’, иdda, тадбир, каффоратлар, муҳойа‘а, истихлоф, тазкийа, насаб даъвоси, истиҳқоқ, касал киши ва ворисларнинг тасарруфи, сабақ, қисос, диятлар, ҳасаб ал-васойо, ‘айн ва дайн, касалликда қул озод қилиши, дувайрот, фароизда муташибиҳлар* каби мавзулар бўлим ҳолида келтирилади. Ушбу бўлимларда бир-бирида умуман учрамайдиган турли масалалар ҳам берилади. Масалан, ал-маҳозир ва-с-сижиллот (қози ҳужжатларини расмийлаштириш), шурут(шартномалар)га оид бўлимлар “ал-Муҳит ас-саҳахсий”да мавжуд эмас.

Гарчанд бу икки асарнинг номлари бир хил бўлса-да, ёзилиш даври ва мундарижасига қараб уларнинг турли ва ўзига хос услубда яратилганлигини кўриш мумкин.

Баъзи тадқиқотлар орасида “ал-Муҳит ал-Бурҳоний” асари Бурҳонуддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг бобосига тегишли деган фикрлар ҳам учрайди. Масалан, ал-‘Итқоний “ал-

Мұхит ал-Бурхоний”ни Бурхону-л-Кабир ёзған, деган фикрни беради[5]. Шунга қарамай күплаб бирламчи манбалар ва табақот ёзған тарихчилар[6] асарларида унинг Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорий томонидан ёзилғанлиги қайд этилған.

“Ал-Мұхит ал-Бурхоний” бүйіча тадқиқтларда учрайдиган яна бир муаммоли масала мазкур асарнинг қайси йили ёзиб тутатылғанидир. Құләзма манбалар ва хаттотларнинг далиллари билан бу масалага аниқлик киритиш мүшкүл. Маълумки, асар Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг Бухоро ва Самарқандда олиб борган узоқ йиллик ижодий фаолиятини ўзида қамраб олади. Шунга таяниб, аллома ўз асарларини ўрта ёшларида Самарқандда яшаган даврларида таълиф эта бошлаган, дейиш мүмкін.

Жумладан, Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг “аз-Захирату-л-бұрхониййа” асари муқаддимасыда келган қуйидаги баён фикримизга тұла далил бўлади.

بعد ان حمد الله و أثني عليه وقد جمعت أنا في حداثة سنى و عنوان عمرى و صدر أمرى في الافتاء ما رفع الى من
مسائل الواقعات و ايضاً ضممت إليها اجنباسها من المسائل و جمعت جمعاً امر مدة مقامى بسم رقند... الخ[7]

Таржима: “Аллоҳга ҳамд ва санодан сұнг, ёшлигимда, умримнинг гуллаган палласи ва фатво берииш фолиятимнинг илк даврида менга етиб келган “ал-Воқе‘от” масалаларини түпладим. Шунингдек, мен улар орасига уларга ўхшаши масалаларни ҳам қўшидим. Самарқандда турган муддатимда бир қанча масалаларни түпладим.”

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, “ал-Мұхит ал-Бурхоний” тұлиқ Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорий шахси билан боғланған. Чунки муаллиф асарда Бурхону-л-Кабир ёки Разийуддин ас-Сарахсийга тегишли фатволарини келтираётганда “Бобомнинг айтишича”, “Разийуддин ас-Сарахсий наздларида”, деган ибораларни келтириб ўтган.

Тадқиқот жараёнида бугунгача “ал-Мұхит ал-Бурхоний” асари бир неча марта нашрға тайёрланғани маълум бўлди. Покистоннинг Исломобод шаҳридаги “Идара ал-Қуръон ва-л-‘улум ал-исламиййа” ислом тадқиқтлари маркази тадқиқотчиси Луйи ‘Абд ар-Ра’уф ал-Халилий 1424/2003 йилда “ал-Мұхит ал-Бурхоний” асарининг “Китоб ал-музораба” бўлимини “Китоб ал-музораба мин “ал-Мұхит ал-бұрхоний” номи остида 344 бетлик китоб шаклида нашр эттирган[8]. Шунингдек, ушбу марказда “ал-Мұхит ал-Бурхоний” асарининг йигирма беш жилддаги қўләзма нусхалари ҳам сақланади. Ҳиндистонлик Сайид Ҳошим ан-Надвий томонидан ҳам асар тадқиқ этилған, лекин нашр қилинмаган. Мазкур олим тадқиқотида Саҳаранапурдаги “Мазоҳир ал-‘улум”, Рампур шаҳридаги “Ридо” кутубхоналари ва Ражпутана шаҳрида “Са‘идиййа” араб қўләзмалар фондида сақланаётган қўләзмаларга таянилган[9].

“Ал-Мұхит ал-Бурхоний” асарининг илк йирик нашрини Аҳмад ‘Иззу ‘Инойа (Қоҳира-2003)[10] ҳар бири ўртача 500-550 бетдан иборат бўлган ўн жилдлик китоб ҳолида амалга оширган. Нашр “таҳорат” бўлими билан бошланиб, “ал-маҳозир ва-с-сижиллот”

бўлими билан тугайди. Унда жами 64 та бўлим зикр қилинади. Аҳмад ‘Иззу ‘Инойа мазкур нашрда асарнинг Байрут қўлёзма нусхасига таянади. Бироқ чоп этилган жилдларда кўрсаткичлар ва зарур изоҳлар йўқ. “Кириш” қисмида Бурҳонуддин Маҳмуд ал-Бухорий ҳакидаги маълумотлар берилмаган. Кўп ўринларда форс тилидаги иборалар чалкаштириб юборилган. Нашр нусхаси ЎзР ФА ШИ 2861 рақам остида сақланаётган қўлёзма билан солиширганда, унда “шурут” ва “хунса” бўлимларининг мавжуд эмаслиги аниқланди.

“Ал-Муҳит ал-Бурҳоний” нинг иккинчи йирик нашри муаллифи ‘Абдулкарим Сами ал-Жундий бўлиб, у асарни тўққиз жилдда (хар бир жилди ўртacha 500-550 бетни ташкил қиласи) нашрга тайёрлаган[11]. Бу Аҳмад ‘Иззу ‘Инойа тайёрлаган нашрга нисбатан анча мукаммаллаштирилган. Нашрнинг муқаддимасида ҳанафийлик мазҳаби тарихи ва ривожланиш босқичлари, сўнгра муаллиф ҳақида қисқача маълумот берилади. Жилдлар “таҳорат” бўлими билан бошланиб, “ал-маҳозир ва-с-сижиллот” бўлими билан тугайди. Ушбу нашр “ал-Муҳит ал-Бурҳоний” асарининг Ҳалаб (Сурия) шаҳрида жойлашган “Аҳмадийя” мадрасасида сақланаётган тўрт жилдлик нусхасига асосланган. Асарда учраган олимларнинг исмлари, улар қолдирган асарлар ва ҳадисларнинг қайси турга оид эканлиги, Қуръон оятлари ҳақидаги маълумотлар нашрнинг тадқиқ қисмида берилган. Нашрдан жами 41 та бўлим ўрин олган. Аммо ‘Абдулкарим Сами ал-Жундий чоп эттирган нашрда ҳам “шурут” бўлими тушириб қолдирсан.

Маълумки, мўғуллар истилосидан сўнг ислом илмларининг ривожи Усмонийлар давлатида кузатилди ва Истанбул шаҳри ислом илмлари марказига айлантирилди. Мазкур худудда ҳанафийлик мазҳабининг изчил ривожланиб боришида мовароуннаҳрлик фақиҳлар томонидан таълиф этилган қатор асарларнинг аҳамияти катта бўлди. Жумладан, бугунги кунга келиб “ал-Муҳит ал-Бурҳоний” асарининг биргина Туркиядаги Боязид Давлат кутубхонаси ва Сулаймония, Кўпрулу кутубхоналарининг ўзида 66 та қўлёзма нусхалари борлиги фикримизга далил бўлади. Ушбу қўлёзмалар турли ҳажмда бўлиб, турли даврларда хаттоллар томонидан кўчириб борилган.

Тадқиқот жараёнида, шунингдек, Сулаймония кутубхонаси Аё София ва Мурод Мулла бўлимларида сақланаётган асарнинг 17 та қўлёзма нусхалари билан мукаммал танишиб чиқилди[12].

Маълум бўлишича, Истанбулдаги Сулаймония кутубхонаси Аё София бўлимида сақланаётган 001413[13] рақамли қўлёзмадан ташқари барча нусхалар бир хаттот, яъни Мансур ибн Яхё томонидан Шомда ҳижрий 731/738 йиллар оралиғида кўчирилган.

Қоҳирадаги “ал-Азҳар”, “Дор ал-кутуб ал-мисрийя” ва Искандария миллий кутубхоналарида асарнинг турли ҳажмдаги 27 та нусхаси сақланаётганлиги аниқланди. Уларнинг асосийлари “Ҳанафий фиқхи” бўлимида 471(890 варак) рақам остида 4 жилдда

сақланади. Кўлёзма “Аймон (қасамлар)” бўлими билан бошланади. Шунингдек, кутубхонада бу нусханинг 38000 рақамли микрофильми ҳам мавжуд. Ушбу кутубхонада асарнинг 482 (720 варак.) ва 774 (602 варак) рақамлари остида II, III, V, VI, VII жилдлари сақланади. Бирок қўлёзмалардаги китоблар тартиби бир-бiriга мос тушмайди. Улар Тошкент нусхалари билан солиширганда “бай”(савдо сотик), “хунса”(хўнасанлик ва унга оид масалалар), “шурут” бўлимларининг йўклиги маълум бўлди. Қоҳирадаги ал-Азҳар университети кутубхонаси “Ҳанафий фикҳи” бўлимида асарнинг 975/1567-68 йилда Са‘ид Халил ‘Аббос Тахтовий томонидан кўчирилган нусхаси 3054 (894 варак) рақам остида сақланади. Лекин бу нусхада ҳам бўлимлар тартиби ноаниқ берилган. Чунки Тошкент нусхаси билан солиширганда уларда “ҳаж”, “жиноят”, “шурут”, “ал-маҳозир ва-с-сижиллот” бўлимлари тушиб қолганлиги маълум бўлди. “ал-Мухит ал-Бурҳоний” асарининг мазкур кутубхонада сақланадиган иккинчи қўлёзмаси Муҳаммад Қановий томонидан IX/XV асрда кўчирилган. Бу нусха ёзилиш жиҳатидан “Дор ал-кутуб ал-мисрийя”даги 471 рақамли нусхага мувофиқ келади.

“Ал-Мухит ал-Бурҳоний” асарининг яна бир қўлёзмаси Искандария миллий кутубхонасида 1369 рақам остида сақланади. Бу нусха XIII/XIX асрда Тунисда ‘Абдулмажид ‘Абдуссалом ал-Кан’оний ал-Моликий томонидан муҳтасар қўлланма шаклида кўчирилган[14].

“Ал-Мухит ал-Бурҳоний” асарининг яна бир нусхаси Покистоннинг Афғонистон билан чегарадош Таҳила шаҳрида яшовчи Шайх Мавлоно Муҳаммад Аъзамнинг шахсий кутубхонасида сақланади. Бу нусха 2942 бетдан ва ҳар бир бет ўртача 35 қатордан ташкил топган. Қўлёзма хаттот Муҳаммад ибн Муҳаммад томонидан насх ва баъзи ўринларда насталиқ араб хатида 1 раби‘ II 1182/1768 йил 15 августда кўчирилган. Бу қўлёзманинг аҳамиятли томони шундаки, у Бухоро яқинидаги Олибилол қишлоғида Хожа Баҳоуддин Ҳасан Зарф Эшон мақбараси яқинида китоб шаклига келтирилган. Ма‘сумий форс ва туркий тилларида кўчирилган, даври учун муҳим бўлган фатволар мазкур қўлёзма нусхасига киритиб юборилган, деган фикрни беради[15]. Бу нусха “таҳорат” бўлими билан бошланади ва “шуф‘а” (имтиёзли сотиб олиш) бўлимида тугайди. Унда жами 38 та китоб келтирилади[15].

Немис шарқшуноси Карл Броккељман асарнинг бошқа давлатлардаги қўйидаги қўлёзма нусхалари ҳақида хабар беради:

1. Тунисдаги Зайтунийя мадрасаси кутубхонасида сақланаётган 2 жилдлик қўлёзма ҳамда 0263, 23714 рақамлар остидаги нусхалар.
2. Ироқдаги Мосул марказий кутубхонасида сақланаётган 3 жилдлик қўлёзма ҳамда 212264 рақам остидаги нусхалар.

3. Лондондаги Британия музейи араб қўлёзмалари бўлимида сақланаётган З жилдлик қўлёзма ҳамда 7748 рақам остидаги нусхалар.

“Ал-Муҳит ал-Бурҳоний” асарининг ЎзР ФА ШИда сақланаётган 10 та қўлёзма нусхаси тадқиқотга жалб килинди. Улар:

1. 2861 рақам остида сақланаётган насталиқ ёзувидаги кўчирилган нусха (жами 1241 варак)[15];
2. 5982 рақам остида сақланаётган, Бухорода насталиқ ёзувидаги кўчирилган нусха (жами 955 варак);
3. 9532 рақам остида сақланаётган, 985/1578 йили Бухорода насталиқ ёзувидаги кўчирилган нусха (жами 727 варак);
4. 3161 рақам остида сақланаётган, ёзилган жойи номаълум бўлган насталиқ ёзувидаги кўчирилган нусха (жами 543 варак);
5. 7814 рақам остида сақланаётган, сулс ёзувидаги кўчирилган нусха (жами 180 варак);
6. 8781 рақам остида сақланаётган, насх ёзувидаги кўчирилган нусха (жами 340 варак бўлиб, у асарнинг учинчи жилди хисобланади);
7. 5835 рақам остида сақланаётган, 1221/1807 йилда Бухорода Мирзо Муҳаммад томонидан насталиқ ёзувидаги кўчирилган нусха (жами 675 варак);
8. 3167 рақам остида сақланаётган, сулс ёзувидаги кўчирилган нусха, (жами 314 варак);
9. 3102 рақам остида сақланаётган, 663/1265 йилда Абу-л-Фатҳ ‘Абдулқодир ибн ал-Кабир ибн ‘Али ал-Марғиноний томонидан сулс ёзувидаги кўчирилган нусха (жами 196 варак);
10. 5945 рақам остида сақланаётган, 989/1582 йилда Муҳаммад ‘Али Нақлибек томонидан Бухорода нимнасҳ ёзувидаги кўчирилган нусха (жами 924 варак).

Бу қўлёзмаларнинг кўчирилиши VII-XIII ҳижрий асрларга тўғри келади. Тадқиқот жараёнида қуйидаги нусхаларнинг муҳим жиҳатлари аниқланди: “Ал-Муҳит ал-Бурҳоний” асарининг тўлиқ нусхаларидан бири аниқланди. Бу асарнинг ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган 2861 рақамли нусхаси бўлиб, жами 1241 бетни ташкил қиласади. Бу қўлёзма 1221/1776 йилда Ҳаттот Муҳаммад Тоҳир ибн Фармонбек ал-Бухорий (насл жиҳатидан Ҳожа Муҳаммад Воси‘ ибн Ҳазрат Жобирга (р.а.) бориб тақалади) томонидан кўчирилган. Кўлёзма 67та бўлимни ўз ичига олади. Асар “таҳорат” (покланиш) бўлимидан бошланиб, “фароиз” (мерос) бўлими билан якун топади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Муаллифлар ўз асарларида ҳанафийлик мазҳабига оид ўзларидан олдинги деярли барча фатволарни жамлаганлар. Муаллифлар бошқа мазҳаб фатволаридан иложсиз қолган ҳолатдагина қиёс тариқасида фойдаланганлар. Ҳар бир китоб “Зоҳир ар-ривойа” ёки мовароуннаҳрик мута’аххир уламолар фатволаридан иқтибос келтириш билан бошланган. Масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида баъзи ўринларда форсча иборалардан фойдаланганлар. Иккала Муҳит асарларида оят ва ҳадислардаги далиллар ўта нозик ўринларда келтирилган. Муаллифлар кўп ҳолатда ақлий далилларга эга бўлган фатволарни берадилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қураший Абу Муҳаммад ‘Абдулқодир ибн Абильвафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мисрий. Ал-Жавоҳир ал-музий‘а фи табакот ал-ҳанафийя. 5 жилди / ‘Абдулфаттоҳ Муҳаммад ал-Хулв таҳрири остида. – Қоҳира: Ҳижр, 1993. Ж.3. – Б. 43 (Бундан кейин: Ал-Қураший.).
2. Муҳаммад ‘Абдулҳай ал-Лакнавий. Ал-Фаво’ид ал-баҳийя фи тарожим ал-ҳанафийя / Аҳмад аз-Заҳабий таҳрири остида. 1-нашри. – Байрут: Дор ал-арқам ибн ал-арқам, 1418/1998. – Б. 206 (Бундан кейин: Ал-Фаво’ид.).
3. Ал-Қураший. Ж.3. – Б. 357; Ал-Фавоид. – Б. 188 - 191; Brockelmann C. Geschichte der arabischen Litteratur. 3 жилди. – Weimar-Berlin: Ҳай’а ал-мисрийя, 1898-1993. Ж.1. – Б. 463.
4. ЎзР ФА ШИ // Қўлёзмалар № 10998. – 290 в, № 5963. – 301 в, № 557. – 610 в; Туркия. – Истанбул: Сулаймония кутубхонаси. – Аё София бўлими // Қўлёзмалар № 001397, № 001390, № 001405, № 001396, № 001395, № 001404, № 001394, № 001393, № 001392, № 001403, № 001391, № 001402, № 001401, № 001400, № 001399, № 001398.
5. Тоҳо Аҳмад Ҳасан Ҳафиний ал-Мағозий. Мин аввали Китоб ас-салот ило охир ал-фасл ал-хомис минҳ мин Маҳтут ал-Муҳит ал-бурҳоний. – Қоҳира: Ал-Азҳар университети, 2003. – Б. 38.
6. Mukhamedov, Nematullo (2020) "ACTIVITIES OF SCHOLARS OF ISLAMIC LAW (FUQAHА) FROM SHASH OASIS IN SCIENTIFIC CENTERS OF THE REGION," The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 1. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss3/1> P. 4-15
7. Бурҳонуддин Маҳмуд ал-Бухорий. Аз-Захирату-л-бурҳонийя. – Истанбул: Сулаймония кутубхонаси. – Аё София бўлими // Қўлёзма № 001170, жами 392 варак. – В. 1^a.
8. <http://www.aslein.net/archive/index.Php/t-5361.htm1> сайтига қаранг.

9. Муҳаммад Сағир Ҳасан Ма‘сумий. Бурҳон аш-шари‘а ва китобуҳ “ал-Муҳиту-л-бурҳоний”. – Исломобод: Осор ал-исломиййа (Исломобод ислом университети), 1967. – Б. 71.

10. Бурҳонуддин Маҳмуд ал-Бухорий. Ал-Муҳиту-л-бурҳоний фи-л-фикҳ ан-нў‘моний. 11 жилдли / Аҳмад ‘Иззу ‘Инойа таҳрири остида. – Қоҳира: Дор иҳёо ат-турос ал-‘арабий, 2003.

11. Бурҳонуддин Маҳмуд ал-Бухорий. Ал-Муҳиту-л-бурҳоний фи-л-фикҳ ан-нў‘моний. 9 жилдли /‘Абдулкарим Сами ал-Жундий таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмиййа, 2004.

12. Сулаймония кутубхонаси. – Аё София бўлими // Кўлёзмалар № 001406. – 206 в, № 001407. – 188 в, № 001408. – 211 в, № 001409. – 193 в, № 001410. – 207 в, № 001411. – 225 в, № 001412. – 235 в, № 001413. – 174 в, № 001414. – 199 в, № 001415. – 271 в; Мурод Мулла бўлими // Кўлёзмалар № 001042. – 427в, № 001043. – 511 в; № 001044. – 459 в; № 001045. – 409 в; № 001046. – 275 в; № 001047. – 835 в, № 001048. – 622 в.

13. Асарнинг № 001413 рақам остидаги нусхаси ҳижрий 762 йилда Шаъбон ойининг 15-кунида Абдуллоҳ Иброҳим ибн Аҳмад ибн Ҳажар ибн ‘Али ал-Форсий аш-Шофи‘ий томонидан кўчирилган.

14. Тоҳо. “Ал-Муҳит”. – Б. 41.

15. Ма‘сумий. “Ал-Муҳит”. – Б. 71.